

А Ж Р И М

2022 йил август ойининг 1 куни, жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья О.Ҳайитовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ф.Махмудовнинг котиблигида, Юнусобод туман прокурори ёрдамчиси Ш.Шомирзаев, гумон қилинувчи А.Абдурахимов ва унинг ҳимоячиси-адвокат Д.Маджидова, жабрланувчи Ф.Қурбоновлар иштирокида,

Абдурахимов Абдужаббор Абдурауфович (*Abduraximov Abdujabbor Abduraufovich*), 26.05.1972 йил Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 3 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, Тошкент шаҳар Юнусобод 8-сон Автобус саройида ҳайдовчи, муқаддам судланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Хасанбой маҳалласи, Шарифбой Қозоқбой 22-уйда яшовчи, ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини судга юбориш тўғрисидаги қарор нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан айблашга оид 1-1004-2205/625-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят иши ҳужжатларига кўра, Абдурахимов Абдужаббор Абдурауфович 2022 йил 26 июнь куни соат 18:30 ларда, Юнусобод тумани Бободехқон маҳалласида жойлашган “Маҳалла гузари” номли чойхонада қудаси Курбонов Фурқат Махкамович билан ўзаро келиб чиққан келишмовчилик натижасида жанжаллашиб, Ф.Курбоновни юз қисмига қўли билан бир мартаба уриб тан жароҳати етказилганлиги



аниқланган.

Ўтказилган Суд-тиббий экспертизасининг 14.07.2022 йилги №4893-сонли хулосасига кўра, Ф.Курбонов бош мия чайқалиши, бурун суяклари силжимасдан синиши, ушбу жароҳатлар оғирлик даражасига кўра соғлиқнинг қисқа муддатга яъни 6 кундан ортиқ, аммо 21 кундан кўп бўлмаган бузилишига олиб келадиган “Соғлигини қисқа муддатга бузилишига олиб келган Енгил” тан жароҳати деб баҳоланган.

Гумон қилинувчи А.Абдурахимов суд мажлисида, ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга етказилган моддий ҳамда маънавий зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўради.

Жабрланувчи Ф.Курбонов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги ариза тақдим қилиб, А.Абдурахимовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган моддий ҳамда маънавий зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганини айтиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарлар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар Ф.Курбонов ва гумон қилинувчи А.Абдурахимовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Юнусобод туман прокурори ёрдамчисининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон қилинувчи А.Абдурахимовнинг



айбига иқрорлиги, етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, ярашув, айбланувчи ва жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг бирон-бир тазйиқсиз, ўз хоҳиши билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноят, ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, А.Абдурахимовга нисбатан жиноят ишини, ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Суд, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар Ф.Қурбоновга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан гумон қилинувчи **Абдурахимов Абдужаббор Абдурауфович (Abduraximov Abdujabbor Abduraufovich)**га нисбатан жиноят иши, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар Ф.Қурбоновга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон у чиқарилган кундан эътиборан 20 кунлик муддатда ЖПК 497¹¹-моддаси татибида мазкур туман суди орқали Тошкент шаҳар судига шикоят ёки хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья

О.Ҳайитов

